



[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a10](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a10)

## ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Усмонова Васила Ботировна -  
ЖизПИ“Иқтисодиёт ва менежмент”  
кафедраси ассистенти

**Аннотация:** Ушбу мақолада худудларга инвестициялар жалб қилишининг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ёритилган. Худудларга йўналтирилган инвестицияларни молиялашириш манбалари бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, инвестицион фаолликни ошириш ўйналишларини ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калим сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестициялар, худуд, инвестицияларни молиялашириш, инвестицион салоҳият, стратегия.

### ПОВЫШЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ В РЕГИОНАХ

Усмонова Васила Ботировна -  
ДжизПИ, ассистент кафедры  
«Экономика и менеджмент»

**Аннотация:** В данной статье освещены особенности и важность привлечения региональных инвестиций. Проанализированы направляемые региональные инвестиционные показатели по источникам финансирования и выдвинуты предложения по разработке направлений повышения инвестиционной активности.

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, территория, инвестиционное финансирование, инвестиционный потенциал, стратегия.

### INCREASING INVESTMENT EFFICIENCY IN REGIONS

Usmonova Vasila Botyrova -  
Assistant of the Department of Economics and  
Management Jizzax Polytechnic Institute

**Annotation:** This article highlights the specific features and importance of attracting investments to regions. Indicators on the sources of financing of investments directed to the regions were analyzed, and proposals were put forward for the development of directions for increasing investment activity.

**Keywords:** investment, foreign investments, territory, investment financing, investment potential, strategy

**Кириш.** Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, инвестициялар самарадорлигини оширишнинг мақбул механизмини излаб топишда янги индустрисал мамлакатлар Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайван амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси 10,5 %дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35-40 %ни ташкил этган бўлиб, уларнинг катта қисми ички инвестициялар ҳисобига тўғри келган [1-46 б.].

Бу борада бизнинг мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш» вазифаси алоҳида белгилаб берилган [2].

Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун худудларга инвестициялар жалб этиш, улардан фойдаланиш борасида иқтисодиётга

киритилган инвестициялар самарадорлигининг паст даражаси, инвестицион муҳит ва жозибадорликни ошириш учун иқтисодий-ташкилий муаммолар, худудларга инвестициялар жалб қилинни фаоллаштирувчи омилларни маҳаллий бошқарув органлари томонидан қўллаб-куватлашда баъзи муаммоларнинг пайдо бўлиши тадқиқот ишининг долзарблигини янада оширади. Худудларни барқарор ривожланишида инвестициялардан самараали фойдаланиш борасида вазифаларни такомиллаштириш зарурати ушбу тадқиқот ишининг мақсади ва тадқиқот вазифаларини белгилаб берди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Лойиҳалар пухта ҳисобкитоб қилинмагани, уларни амалга оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида кўплаб корхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланганди тижорат банклари ҳам катта зарар кўрган. Шу боис жорий йилдан бошлаб банкрот корхоналарни банклар балансига бериш амалиётига чек қўйилди. Юзаки ўтказилган иқтисодий таҳлил оқибатида лойиҳалар

фойдаланишга қабул қилинганидан кейин ҳам ўзини оқламаган – хомашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаширилмай қолган”[3].

Худудларга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Мамлакат ҳудудлари инвестициявий фаолияти тўғрисида И.А.Бланкнинг фикрича, “...иқтисодиёт тармоқларининг инвестиция жозибадорлигини баҳолашнинг уч асосий элементи мавжуд: иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг истиқболлилик даражаси, корхоналарнинг ўртача рентабеллик даражаси, ҳудудий инвестиция таваккалчиликларини баҳолаш. Мамлакат ҳудудларининг инвестициявий жозибадорлигини баҳолашнинг асосий элементларига эса: ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиши, инвестиция инфратузилмаси, бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаси даражаси, ҳудудда инвестиция фаолиятини юритиш ҳавфсизлиги ҳолати ҳамда ҳудуд демографик тавсифи киритилган” [4-102 б.].

Академик С.С.Фуломов томонидан кўрсатиб берилишича, “Инвестиция деб ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга сарфлашига айтилади”[5-245 б]. Бу фикрни давом эттирган иқтисодчи олим А.Собировнинг таърифлашича “Инвестициялар – бу даромад олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари объектларига инвесторлар томонидан қуиладиган мулк ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ифодаловчи маблағларнинг киритилишидир” [6-12 б.] деб таърифлайди. Демак, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даромад олиш, ижтимоий самарага эришиши инвесторлар томонидан қуиладиган мулк ва интеллектуал бойликларнинг киритилишига бевосита боғлиқ.

С.М.Обидовнинг кўрсатишича, “...инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Жалб этилган инвестициялар ҳажми иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли бўлмаяпти. Хорижий инвестициялар катта қисмининг бир нечта минтақаларда тўпланиб қолганлиги республикамиз минтақаларида мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда” [7-6 б.] .

Бу борада инвестиция иқлими алоҳида аҳамият касб этиб, Ж.М. Азимовнинг фикрича, “Инвестиция иқлими – инвестиция жараёнлари юз берадиган муҳит. Инвестиция иқлимига таъ-

сири этувчи омиллар объектив(табиий-иқлимий: энергия ресурсларининг мавжудлиги, жўғрофий жойлашув, демографик вазият ва бошқалар) ва субъектив, ташкилий бошқарув муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган омилларга бўлинади” [8-146 с.]. Шунингдек, Э.А. Маҳмудов томонидан инвестиция иқлимига қуидаги таъриф берилган: “Хорижий инвестициялар кўлами ва ўсиш суръатлари, у ёки бу мамлакатга капитал киритиш имконияти ва фойдалигини белгиловчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа омиллар йиғиндиси ҳисобига шаклланадиган инвестиция иқлимининг аҳволига боғлиқ” [9-147 с.]

С.С.Насретдинов эса “Худуднинг инвестицион салоҳияти инвестициялаш учун объектлар, соҳалар турлилиги ва мавжудлигига ҳамда уларнинг иқтисодий «соғлом»лигига боғлиқ объектив шарт-шароитлардан иборат. Инвестиция салоҳияти объектнинг ишлаб чиқариш омили (табиий ресурслар, ишчи кучи, асосий фондлар, инфраструктура ва бошқалар) билан таъминланганлиги, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни инобатга олади. Бу каби ёндошишда инвестиция салоҳияти ҳар бири ўз гуруҳ кўрсаткичларини ифодаловчи қуидаги таркибда бўлиши мумкин: хом ашё, ресурс, табиий ресурсларнинг асосий турларининг захиралари билан ўрта меъёрда таъминланганлиги, меҳнат ресурслари ва уларнинг таълим даражаси, ишлаб чиқариш-ҳудуд аҳолисининг хўжалик фаолиятидаги жами натижалари, инновация - фан ривожланиши ва фан-техника тараққиёти натижаларининг кўлланилиш даражаси ва бошқалар”[10-27 б.] ҳақидаги назарий қарашларни бойитди.

С.Насретдиновнинг тадқиқотларида кўрсатилганидек, “Маълумки, ҳудуд инвестицион жозибадорлигини баҳолаш бўйича аниқ услубият бирор-бир халқаро меъёр ёки тартиб билан белгиланмаган, шу боис охирги вақтларда, хусусан бутун жаҳонда ҳукм сураётган COVID-19 пандемияси шароитида инвестицион жозибадорликка оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича турли услубиятлар олимлар томонидан таклиф этилмоқда. Ҳудудлар инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва унинг индикаторлари билан ифодаланувчи омиллардан оқилона фойдаланиш, уларни самарали бошқариш билан боғлиқ тадқиқотлар нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борада чуқур изланишларни амалга оширишни талаб этади”[11-27 б.] .

Иқтисодчи олим Ш.И.Мустафақулов томонидан таъкидланганидек, “...инвестицион жозибадорликни аниқлаш юзасидан инвестиция ҳажмини изоҳлаш, уларнинг горизонтал ва вертикал бўйича таркибини таҳлил қилишга асосланган бир қатор ёндашувлар ҳам мавжуд. [12-17 б.] Уни кўллаб, ҳудуднинг кулай (ноқулай) ҳолати

тўғрисида хуроса ясаш мумкин. Мазкур ёндашувнинг асосий камчилиги шундан иборатки, у инвестицион жараённи юзаки кўриб чиқади. Инвестицияларнинг алоҳида олинган тавсифлари инвестицион соҳанинг реал ҳолатидан далолат бермайди ҳамда мамлакатнинг ички имкониятлари ва истиқболларини акс эттирамайди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жаравнида худудларни барқарор ривожланишида инвестициялардан самарали фойдаланишининг ташкилий-иктисодий механизмлари бўйича мантикий ва таққослаш таҳлили, тадқиқотни ўрганишга тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, комплекс баҳолаш, социологик тадқиқот усусларидан фойдаланилди. Олиб борилган тадқиқот давомида худудлар соҳалари ва реал сектори корхоналарини ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланишини бошқаришни такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Инвестиция фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига сармоя киритишига асосланади. Бу сармоя қўшимча қиймат ва иктисодий ўсишни ҳосил қиласди. Шу жиҳатдан, фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш орқали инвестиция фаолиятини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда»[13] деб таъкидлаши, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ва унинг янада юксалиб боришининг осон бўлмаслигини англатиб, бунга албатта, вақт, аниқ мақсадли ўрта ва узоқ муддатли ислоҳотлар ҳамда инвестициялар талаб этилиб, ҳамда ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Худуднинг инвестицион салоҳияти, унга киритилган инвестициялар самарадорлиги макроиктисодий кўрсаткичларга боғлиқ. Бу борада мамлакатимизда 2020 йилда асосий капиталга инвестициялар иктисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 189,9 трлн. сўм (доллар эквивалентида 21,5 млрд. АҚШ долл.) йўналтирилиб, аввалги йилга нисбатан бу кўрсаткич 133,9 % ни ташкил қиласди. Айниқса, тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилган бўлиб, мамлакатимизда хорижий кредитлар – 14,7 % (ёки 142,4 %), бюджет маблағлари – 7,6 % (ёки 117,7 %) ни ташкил этиб, давлат миллий иқтисодиётга инвестицияларни устувор тармоқларга йўналтирилганлиги нуқтаи назардан худудлар жозибадорлигига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонида[14]: мамлакатимиздаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш мақсадида “Олий Мажлис палаталарида худудлар билан тўғридан-тўғри, шу жумладан масоғавий ишлаш амалиётини кенг жорий қилиш, худудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурлари муҳокамасида тегишли худуддан сайланган депутат ва сенаторларнинг иштирокини кучайтириш” вазифаси белгилаб берилди.

Худуднинг инвестицион салоҳияти – инвестициялаш учун обьектлар, соҳалар турлилиги ва мавжудлигига ҳамда уларнинг иктисодий «соғлом»лигига боғлиқ обьектив шарт-шароитлардан иборат. Инвестиция салоҳияти обьектнинг ишлаб чиқариш омили (табиий ресурслар, ишчи кучи, асосий фондлар, инфраструктура ва бошқалар) билан таъминланганлиги, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларни инобатга олади. Бу каби ёндошишда инвестиция салоҳияти ҳар бири ўз гуруҳ кўрсаткичларини ифодаловчи қуидаги таркибда бўлиши мумкин: хомашё, ресурс – табиий ресурсларнинг асосий турларининг захиралари билан ўрта меъёрда таъминланганлиги, меҳнат ресурслари ва уларнинг таълим даражаси, ишлаб чиқариш – худуд аҳолисининг хўжалик фаолиятидаги жами натижалари, инновация – фан ривожланиши ва фан-техника тараққиёти натижаларининг қўлланилиш даражаси ва бошқалар.

Худуднинг инвестицион салоҳияти алоҳида соҳалар, обьектлар мавжудлиги ҳамда уларнинг иктисодий «соғлом»лигига боғлиқ обьектив шарт-шароитлардан иборат. Инвестиция имкониятларини баҳолашга худудларнинг иктисодий салоҳиятларини аниқлаш муҳим восита ҳисобланади. Иктисодий салоҳиятларни мувозанатга келтириш худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Бу борада тадқиқот обьекти ҳисобланган Жиззах вилоятидаги амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларга эътибор қаратамиз. “Жиззах” ЭИЗ худудида 2020-2021 йилларда умумий қиймати 216,3 млн. доллар бўлган 19 та лойиҳа амалга оширилаётган бўлиб, шулардан 87,2 млн. доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция, 62,0 млн. доллари ўз маблағлари ҳисобига ва 57,9 млн. доллари банк кредити маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган. Ушбу лойиҳалар доирасида 2660 та янги иш ўринлари ташкил этилиши белгиланган (1 жадвал).

**Жиззах вилоятида 2021 йилдаги ва истиқболдаги лойиҳалар**

2021 йилда Лойиҳалар сони	2021 йилда лоиҳалар сони	Умумий киймати (млн.сўм)	Истиқболли лойиҳалар (келгуси икки йил)	
			Лойиҳа сони (дона)	Иш ўрни (та)
Жиззах вилояти жами	604	27 439 799	6	784
жумладан туманлар				
Арнасой	24	100 013	1	125
Бахмал	45	418 318		
Ғаллаорол	75	928 553		
Дўстлик	45	197 103		
Зарбдор	45	683 169		
Зафаробод	31	8 208 709		
Зомин	47	1 814 632	1	238
Мирзачўл	36	923 408		
Паҳтакор	28	3 957 219	1	65
Фориш	49	5 631 507	1	73
Ш.Рашидов	64	698 306		
Янгиобод	24	193 158		
Жиззах шаҳри	91	3 685 625	2	283

**Манба:** Жиззах вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.

1-жадвалда истиқболдаги лойиҳалар келтирилган бўлиб, 2023-24 йилларда Жиззах вилояти “Жиззах” эркин иқтисодий худудида ташкил этилиши режалаштирилган “UzTurk Charm” МЧЖ, “UNIQUE LEATHER LINE” МЧЖ, “MM Goodwil” МЧЖ ҚҚ корхоналарига жами 52,0 млн. доллар миқдорида экспорт прогноз белгиланган.

Жиззах вилоятида саноатни ривожлантириш ва таркибий ислоҳотларни тезлаштириш мақсадида тизимли чора-тадбирлар белгилangan бўлиб, 2017-2022 йилларда бу кўрсаткични 115,8 % дан юқори даражага етказиш белгилangan. Бу вазифалар «Жиззах» махсус индустрисал зонаси негизида худудга берилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда амалга оширишга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётiga тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сонли қарори ижросини таъминлаш шунингдек, худудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш ҳар бир худуднинг хусусиятларидан келиб чиқишни талаб қиласди.

Хозирги кунда давлат ва ҳукумат томонидан нафақат йирик шаҳарларини, балки унинг чекка худудларини ҳам иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан республика ҳар бир вилоятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида қўйидаги вазифаларни бажариш белгилаб берилган:

- инновацион типдаги иқтисодиётни шакллантириш ҳисобига вилоят, шаҳар ва туманлардаги иқтисодий тенгсизликни пасайтириш;

- ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш;

- тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига маҳаллий-лаштириш дастурининг ижросини таъминлаш.

**Хуласа ва таклифлар.** Худудларни барқарор ривожланишида инвестициялардан самарали фойдаланишни бошқаришда қўйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- ривожланиш ва географик жойлашув ўрнига қараб, худудларнинг инвестицион фаолияти стратегиясини тақдим этиш. Мазкур вазифани бажаришда худуддаги фирмаларни умумий ривожланиш стратегиясини ва диверсификацион ўзгаришларни прогноз қилиш, узоқ муддатли даврда инвестицион фаолиятнинг асосий ўйналашларини шакллантириш, яқин истиқболда инвестицион фаолиятни энг муҳим вазифаларини аниқлаш ва инрвестицион лойиҳаларни худуд иқтисодиётини ривожлантиришга таъсiri баҳоланади;

- худуднинг инвестиция бозори конюктурасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш. Бунда, худуд инвестицион фаолиятини амалга оширишга таъсир кўрсатувчи ижтимоий, экологик ва шу каби бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган корхоналарни молиявий қўллаб-кувваатлаш;

- худудларнинг инвестицион ресурслари ни шаклантириш стратегиясини ишлаб чиқиши. Бу борада тўғридан-тўғри инвестицияларни худудларга жалб қилишда маҳаллий бошқарув органлари инвестицияларни жалб қилиш бўйича худудларнинг узоқ муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқишилари ва амалиётга татбиқ этишлари лозим.

Демак, худудларнинг инвестицион фаолиятини стратегик бошқарувининг муҳим функцияси – худуд инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишидан иборат бўлиб, бунда инвестиция фаолият йўлида узоқ муддатли мақсадларни шаклантириш тушинилади ва бунда энг самарали инвестицион фаолиятга эришилиб, натижада худуд аҳолисининг турмуш даражасини оширишга эришилади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Доклад о мировых инвестициях за 2017 год. Издание Организации Объединенных Наций, Женева. 2017.- 46
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши давлат дастурларини шаклантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиши масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи, 2018 йил, 17 январь
4. Бланк И. А. Управление инвестициями предприятий. – К.: Ника-Центр, Эльга. 2003. – С. - 102.
5. Менежмент ва бизнес асослари (дарслик). С.С.Гуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Меҳнат.1997-245 б.
6. Собиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётiga инвестициялар жалб этишини давлат томонидан тартибга солиши механизмларини такомиллаштириш. И.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ. 2009. 12 б.
7. Обидов С.М. Мамлакатимиз реал сектор корхоналарига инвестициялар жалб қилиш ҳолати ва уларни баҳолаш усуллари. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил 1 № 3, 2017 [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
8. Азимов Ж.М. Усиление механизм стимулирования привлечения иностранных инвестиций в экономику Кыргызской Республики: Дис. канд. экон. наук. – Т.: 2003. – 146 с.
9. Махмудов Э.А.Организационно-экономический механизм привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику Узбекистана: Дис. канд. экон. наук. – Т.: АН РУз, 2005. – 147 с.
10. Насретдинов С.С.Миллий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш ўйлари. И.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.Тошкент. 2008. 27 б.
11. Ражабов Н.Инвестицион муҳит жозибадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий жиҳатлари. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnalı. № 4,2020 yil 120 б.118 4/2020 (№ 00048) <http://iqtisodiyot.tsue.uz> (№ 00048) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
12. Мустафаулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт (Монография). – Тошкент, 2017, 16-17-б.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Маҷlisига Мурожаатномаси. //<http://aza.uz/oz/politics>.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).
15. Насретдинов С.С.Миллий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш ўйлари. И.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2008. 27 б.



### **РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a11)

**Ибодов Камолиддин Маматқулович -**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

**Аннотация:** мақолада ресторан хизматлари соҳасида инновацион жараёнларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва бугунги тенденциялари ёритилган. Соҳа ҳусусияти ва ундаги иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда инновацияларни таснифлаш тақлиф қилинган.

**Калим сўзлар:** ресторан хизматлари, озиқ-овқат инновацияси, молекуляр гастрономия, таом дизайнни, машҳурлар маркетинги, истеъмол аккультурацияси, сенсорли маркетинг, аромамаркетинг.